Ҳаксевар она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
11 январь
ШАНБА
№ 3 (13264)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

"Тошкент вилояти ерининг унумдорлиги, ҳосилдорлиги билан республикамизнинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради. Бу имкониятдан самарали фойдаланиш учун ерни ҳақиқий деҳқонга, фермер бўламан, деб кўзи ёниб турган миришкорларга бериш керак. Деҳқон бой бўлса, давлат бой бўлади."

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



**ТОШКЕНТ вилояти – 1938 йил 15 январда ташкил этилган.**

Умумий ер майдони 15,3 минг квадрат километр. Вилоят таркибида 22 та туман ва шаҳар, жумладан, 15 та туман ҳамда 7 та шаҳар мавжуд. Вилоят аҳолиси сони 2 миллион 988 мингдан зиёд.

**Рустам ХОЛМАТОВ:**

# ТАРАҚҚИЁТ БЕВОСИТА БИЛИМ ВА ТАЖРИБАГА ЭГА ЕТУК КАДРЛАРГА БОҒЛИҚ

Мана, 2019 йил ҳам тарихга айланди. Ўтган йил юртимизда барча соҳаларда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига катта ўзгаришлар, мисли кўрилмаган бунёдкорликлар йили бўлди. Замонавий корхоналар, уй-жойлар, йўллар, кўприклар қурилди. Таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилди.

### Ҳоким минбари



*2019 йил Тошкент вилояти аҳолиси, айниқса, ёшлар, илм-фан, тиббиёт, ишлаб чиқариш соҳаси ходимлари, омилкор деҳқонлар, саноатчилар, спортчилар, қўйингки, барча соҳа ходимлари учун эришилган улкан натижа, забт этилган янги марралар билан тарих зарварақларига муҳрланди.*

Вилоятимиз раҳбарининг ЎзА мухбири билан кечган суҳбати ана шу ютуқларнинг бош омиллари ва истиқболдаги муҳим вазифалар хусусида кечди.

**– Нурафшон шаҳрида мамлакатимизда илк ақлли шаҳар, яъни "Смарт Сити" қурилиши ишлари қайси босқичда?**

– Тараққиётимизнинг янги даври халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини яна бир бор намоён этишга замин яратди. Юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларида "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" каби дастурлар амалга оширилаётган бўлса, катта-катта шаҳарларимизда "Сити"ларни қуриш янги Ўзбекистоннинг обрўси ва нуфузини оширмоқда.

Давоми 2-бетда

# ВАТАН БУ – ОНА МЕРОС, АСКАРЛИК МАРДЛАРГА ХОС!

**14 ЯНВАРЬ – Ватан ҳимоячилари куни**





Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Янгийўл туманидаги "Шердор" тантаналар мажмуасида "Аскар оналарини шарафлаймиз!" номли байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга 110 нафар аскар оналари таклиф этилди.

Байрам тадбирини вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Парпибоева очиб бериб, аскар ва зобитларни, шунингдек, ўзининг йигитлик бурчини ўтаётган мард ўғлонларнинг оналарини Ватан ҳимоячилари куни билан табриклади ва уларга вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғаларини топширди.

– Ўғлим Каримжон Худойқулов ўзининг йигитлик бурчини шараф билан ўтаётганидан жуда хурсандман, – дейди зангиоталик Бибигул Қурбонова. – Миллий армиямиз йигитларни ҳар томонлама тоблайдиган қўрғондир. Шу қўрғондаги алп йигитлар сафида менинг ўғлим ҳам борлигидан, аскар онаси бўлганимдан фахрланаман.

Давоми 3-бетда

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАНИНГ ИЛК ИНШООТИ

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан кон-металлургия тармоғининг йирик корхоналарини жадал ривожлантириш, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада узоқ муддатли истиқболли дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётир.

### Қарор ва ижро



*Аброр ЭСОНОВ олган сурат*

Мазкур дастурлар асосида "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ олдига ҳам қатор вазифалар қўйилган бўлиб, яқин йиллар ичида комбинатнинг хом ашё базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватларини оширишга қаратилган бир нечта инвестицион лойиҳалар ишга туширилиши режалаштирилган.

Улардан бири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига асосан амалга оширилаётган "Қалмоққир, Сари-Чўққи, СТТБ, АТБ, МБФ хом ашёни қазиш ва қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш" лойиҳасидир.

Куни кеча мазкур лойиҳанинг биринчи, яъни "Қалмоққир" кони "Развязка" пости 2 йўлли айланма съездининг темир йўллари, электр таъминоти тармоқлари, сигнализация-марказлаштириш-блокировка ва алоқа мосламалари қурилиши II босқич" иншооти фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда комбинат мутасаддилари ва ходимлари, фахрийлар ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Мазкур темир йўл ва унинг электр тармоқлари таъминоти ОКМКнинг лойиҳа ишлари бошқармаси томонидан лойиҳалаштирилди. Марказлашган сигнализация-блокировка тизими ва алоқа мосламалари бўйича лойиҳа эса "AEROLOYIHA" МЧЖ томонидан тайёрланди.

Давоми 3-бетда

**ҚАНОТСИЗ ҚУШЛАРНИНГ ПАРВОЗИ**

Бу аянчли саволлардан чарчаганлар энди Фейсбукда #суриш_керак хештеги остида изоҳлар қолдиришади, холос.

3

# Бошлиқ, бодринг ва... газета



Водийлик ажойиб шоиримиз Анвар Обиджон дейдики, олтиариқликлар ҳокимнинг яхши-ёмонини бодрингга муносабатидан билишади. Бу шунчаки, юмор учун айтилган гап эмас, "олтиариқлик ҳокимнинг бодрингга муносабати" деганда унинг шу ҳудуд аҳлининг руҳияти, туриш-турмуши, қувонч ва ташвишларига ҳамнафас ё бегона эканига ишора бор.

### Ўқимадим, деманглар!

Худди шундай таъбир жоиз бўлса, вилоятимиздаги каттаю кичик раҳбарларнинг маънавий олами ва чинакам етакчилик салоҳиятини ўзи раҳбарлик қилаётган жамоанинг газета ва журналлар билан мунтазам танишиб боришига нечоғлик шароит яратиб бергани билан ўлчаса бўлади!



Вилоятимиз бўйлаб **"Бир жамоага – бир газета!"** деган эзгу ташаббус илгари сурилганидан ҳабарингиз бўлса керак. Кўплаб меҳнат жамоалари ўз даромадлари, ижтимоий ҳимояга ажратмалар ва касаба уюшмаларининг маблағларини мана шу хайрли ишга, жамоага зиё ва маърифат улашишга йўналтирмоқдалар.

Раҳбармисиз – демак, жамоангиздаги барқарор маънавий-маърифий муҳит учун жавобгарсиз! Имкон борида ибрат ва ташаббус кўрсатинг, жамоангиз аъзоларини, хусусан, ёшларнинг мутолаа саодатига ошно бўлиб яшашлари ва ишлашларига шароит яратиб беринг! Бу таомилни оилангизга ҳам кўчиринг, токи фарзанду набираларингиз қимматли вақтини смартфонларга бой бермасинлар! Уйингизга газета-журнал кирса, ўқигувчи албатта, топилади.

Вилоятимизнинг ягона ижтимоий-сиёсий нашрлари – **"Тошкент ҳақиқати"** ва **"Ташкентская правда"** жамоангизнинг обуна рўйхатидан ўрин олишига ишонамиз!

***Обуна буюртмаларини таҳририятимизнинг ўзи билан тўғридан-тўғри расмийлаштиришни истаганларга имтиёз ва хушхабарлар бор!***

Ҳозироқ мурожаат қилинг.

**Телефонларимиз:** 71 233-54-10, 71 233-64-95

**Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ**

# ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига асосан**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Олтинчи чақириқ Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг биринчи сессияси 2020 йил 13 январь куни соат 10.00 га чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

1) 2019 йил 22 декабрда ўтказилган Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари сайлови якунлари бўйича вилоят сайлов комиссияси раисининг ахбороти.

2) Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Регламенти ва доимий комиссиялар тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида.

3) Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг партия гуруҳларини рўйхатга олиш тўғрисида.

4) Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг доимий комиссияларини тузиш тўғрисида.

5) Ташкилий масала.

6) Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари Қўшма мажлиси Маслаҳат Кенгаши аъзолигига номзодни тавсия этиш ҳақида.

3. Сессия ишига вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилсин.

**Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи** **Р. ХОЛМАТОВ**

Нурафшон шаҳри, 2020 йил 7 январь





## Рустам ХОЛМАТОВ:

# ТАРАҚҚИЁТ БЕВОСИТА БИЛИМ ВА ТАЖРИБАГА ЭГА ЕТУК КАДРЛАРГА БОҒЛИҚ

Сўнгги йилларда вилоятимиз маркази – Нурафшон шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳримизда қад ростлаган вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг янги бинолари, амфитеатр ва ёшлар маркази, боғ ва хиёбонлар шаҳримиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Энг муҳими, бу каби янгиланишлар ҳали узоқ давом этади. Яқин йиллар ичида Нурафшонда мамлакатимиздаги илк ақлли шаҳар "Смарт Сити" қуриб битказилади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа вилоятимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб, халқимиз турмуш даражасини янада оширишга хизмат қилади.

Айни пайтда "Смарт Сити" қурилиши жадал суръатлар билан давом этмоқда. Жумладан, вилоят прокуратураси ва ИИББнинг янгидан қурилган маъмурий биноларини яқин кунлар ичида фойдаланишга топширишни режалаштираяпмиз. Солиқ ва Марказий банк вилоят бошқармалари ҳамда суд биноларини қуриш ишлари ҳам бошланган.

Шунингдек, "Смарт Сити"да 1 минг 600 ўринли ўрта умумтаълим мактаби ҳамда болалар боғчасини қуришни ҳам бошлаб юбордик. Таъкидлаш керак, мамлакатимиздаги илк "ақлли шаҳар" қурилиши лойиҳасида маданият, спорт, таълим муассасалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш уйлари, кўп қаватли тураржой бинолари, сайилгоҳлар ва ҳар хил кўнгилочар дам олиш масканлари, сунъий кўллар, телеминора ҳамда масжид мажмуасини қуриш ҳам режалаштирилган. Мазкур бинолар яқин йиллар ичида вилоятимиз маркази – Нурафшонни яшаш учун қулай бўлган энг яхши шаҳарга айлантиришига шубҳа йўқ.

**– Қуйи Чирчиқ туманида жорий йил ташкил этилган кластер тизими амалда ўзини оқлади. Бу тизим бошқа туманларда ҳам татбиқ этиладими? Агар татбиқ этилса, жойлардаги кўп тармоқли фермер хўжаликлари тақдири қандай бўлади?**

– Қуйи Чирчиқ туманидаги пахта тўқимачилик кластери 2019 йилда иш бошлади. Мазкур кластер фермер хўжаликлари билан пахта сотиш бўйича тўғридан-тўғри фьючерс шартномалари асосида фаолият кўрсатди. Пахта тўқимачилик кластери фермер хўжаликларига пахта етиштириш учун талаб этиладиган барча моддий ресурслар (ёқилғи, минерал ўғитлар, иш ҳақилар)ни етказиб бериш билан бир қаторда, техника хизматларини ҳам кўрсатиб, пахта етиштиришда амалий ёрдам берди. 2020 йилда Янгийўл ва Бекобод туманларида ҳам пахта етиштириш пахта-тўқимачилик кластерлари тизимида ташкил этилиши белгиланди.

Чиноз, Бекобод, Бўка, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл ва Оққўрғон туманларида фаолият юритиб келаётган кластерлар ҳам тумандаги фермер хўжаликлари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиб, фаолиятларини кластерлар билан ўзаро икки томонлама шартномалар асосида давом эттиради.

Кластер корхоналари фермер хўжаликларини йил давомида хом ашё етиштириш учун талаб этиладиган пул маблағлари, замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаб, пахта терими мавсумида пахта териш машиналарини харид қилиш орқали фермер хўжаликларига ёрдам кўрсатишади.

Охирги йиллар давомида вилоятдаги мавжуд кластерларда пахта томчилатиб суғориш технологиялари асосида етиштирилди. Биринчи босқичда кластер ташкилотлари ва фермер хўжаликлари томонидан 405 гектар майдонда замонавий томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинди. Жумладан, вилоятнинг Ўрта Чирчиқ туманида 155, Қуйи Чирчиқда 195 гектар, Бекободда эса 55 гектар ерда экилган пахта хом ашёси томчилатиб суғориш технологияси асосида етиштирилди.

Бошланиши 1-бетда

**– Бунёдкорлик ишлари давомида турар ва нотураржойларни давлат эҳтиёжи учун олиб қўйиш, бошқача айтганда "Снос" ҳолати кузатилади. Айтингчи, аҳоли тураржойларини давлат эҳтиёжлари учун олиш жараёни, аниқроғи уларни рози қилиш қай даражада адолатли бўлмоқда?**

– Бир ҳақиқатни тан олишимиз керак. Катта қурилишлар бўлган жойда бузилишлар, бошқача қилиб айтганда, "снос"лар ҳам бўлиши табиий. Ижтимоий тармоқларда, интернет сайтлари ва оммавий ахборот воситаларида одамларнинг "снос"лар бўйича баъзан адолатли, баъзида эса ноҳақ мурожаатларини кузатиб бораяпмиз. Тўғрисини айтсак, бу каби гап-сўзларга кўникиб ҳам қолдик. Афсуски, интернет орқали тарқатилаётган бу каби хабарларнинг асл манбасига ҳар доим ҳам эътибор қаратмаймиз. Унинг тўғри ёки нотўғри эканини текшириб ўтирмаймиз. Бу эса, "буз-буз"лар билан боғлиқ тўғри ва нотўғри хабарларнинг кундан-кунга кўпайиб боришига замин яратмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Тошкент вилояти мамлакатимизнинг энг йирик бунёдкорлик майдонига айланган. Бу эса, Тошкент вилоятига бўлган эътиборни икки ҳисса оширади. Бир томондан янги қурилаётган бино ва иншоотларнинг сифатига жавобгар бўлсак, иккинчи тарафдан қурилиш деб бировнинг "бурнини ҳам қонатмаслигимиз" керак. Шу боис, аҳоли тураржойларини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олишда ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилаяпмиз.

Уй-жойи олиб қўйилаётган фуқароларни рози қилиш – фаолиятимизнинг бош мезонига айланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 97-сонли қарорида белгиланганидек, уй-жойи олиб қўйилаётган одамга белгиланган тартибда компенсация ва ижара тўлови тўлаб берилмоқда. Шунингдек, олиб қўйилаётган уй-жой ери ўрнига бошқа жойдан худди шунча ер майдонлари ажратилмоқда.

**– Вилоят, айниқса, Чиноз, Янгийўл, Зангиота, Тошкент ва Қибрай туманлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, мавжуд канализация тармоқларини янгилаш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Охирги 3 йилда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда яшаш шароитини яхшилашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, халқимизни табиий газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалалари доимий эътиборда. Хусусан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, мавжуд канализация тармоқларини янгилаш ҳар бир раҳбар учун устувор аҳамият касб этади. Шу боис, жорий йил мазкур соҳага жиддий эътибор қаратамиз. Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 мартдаги "Осиё тараққиёт банки иштирокида "Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида сув таъминоти ва канализация тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш" (1-босқич) лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, вилоятнинг Қибрай, Зангиота, Тошкент, Янгийўл ва Чиноз туманларида истиқомат қилувчи аҳолига тоза ичимлик суви етказиб бериш белгиланган. Шунингдек, "Қодирия" сув олиш иншоотида қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.



Биргина Чиноз туманининг "Шалола", "Янгиобод" маҳаллалари аҳолисининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳамда "Каналобод", "Пахтаобод" ва "Янги ҳаёт" маҳаллаларида ичимлик суви тизимларини реконструкция қилиш учун 34 километр қувурлар ётқизиш режалаштирилган.




Айни пайтда "Янгиобод" ҳамда "Пахтаобод" маҳаллаларида 8 километр ичимлик суви қувурлари ётқизилди.

Янгийўл туманида эса қарийб 28 километр масофада ичимлик суви тармоқларини ётқизиш режалаштирилган. Бу туманда ҳам ишлар бошлаб юборилган. Айни пайтда "Маданият" маҳалласида 2,7 километр траншея қазилиб, 2,7 километр ичимлик суви қувури ётқизилди.

Зангиота тумани аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш бу йилги режаларимизда алоҳида ўрин тутади. Жорий йилда туманнинг "Қуёшли" ва "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғинларида қарийб 4 километр ичимлик суви тармоқлари ётқизилади. Шунингдек, Тошкент ва Қибрай туманларида 16 километрдан зиёдроқ масофада ичимлик суви тармоғи тортилади.

**– Вилоятнинг маъмурий марказида бирорта ҳам олий таълим муассасаси йўқ. Марказий шифохоналар вилоятнинг турли ҳудудларида, бир-биридан узоқда жойлашган. Шулардан келиб чиқиб, вилоятда таълим ва тиббиётни марказлаштириш (Нурафшон шаҳри) режалаштирилганми?**

– Тараққиёт бевосита билим ва тажрибага эга етук кадрларга боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, таълим ва тарбияга жиддий эътибор қаратишни талаб қилади. Шу боис, "Смарт Сити" ҳудуди бош режасида олий таълим муассасаларини қуриш ҳам режалаштирилган. Хабарингиз бор, бундан 3 йил аввал вилоятимизда фақатгина қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлайдиган Тошкент давлат аграр университети фаолият юритар эди.

Президентимизнинг Тошкент вилоятини ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги оқилона сиёсати натижасида бугунги кунга келиб вилоятимизда Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, Чирчиқ давлат педагогика институти, Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали, Москва миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСИС"нинг Олмалиқ филиали, Астрахан давлат университети Тошкент вилояти филиали фаолият юритмоқда.

Шунингдек, вилоятимизда Ўзбекистон Миллий гвардияси ҳарбий техника институти ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 1-3 июнь кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида Нурафшон шаҳрида техника йўналишидаги олий таълим муассасасини ташкил этиш ва унда хорижий ҳамкорликдаги таълим дастурларини амалга ошириш бўйича топшириқ берган эди. Мазкур вазифа ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда Туркия, Ҳиндистон ва россиялик инвесторлар билан Нурафшон шаҳрида халқаро университетлар ташкил этиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, албатта, вилоят марказида халқаро олий таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилади, бунинг учун бизда барча имкониятлар етарли.

Бундан ташқари, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат кимё-технология институти Ангрен филиали ҳам иш бошлаши режалаштирилган.

Инсоннинг бахтли яшаши учун таълим билан бир қаторда, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ҳам ошириш лозим. Президентимиз ўтган йил вилоятимизга ташрифи давомида Нурафшон шаҳрида тиббиёт муассасаларини бир жойга бирлаштириш орқали тиббиёт кластерини ташкил этиш бўйича топшириқ берган эди. Айни пайтда тиббиёт кластерини барпо этиш юзасидан концепция лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилган. Бугунги кунда мазкур кластерни ташкил этиш бўйича молиявий манбаларни аниқлаш ҳамда инвесторлар билан ўзаро музокаралар олиб борилмоқда. Яқин йилларда Нурафшон шаҳрида марказлаштирилган тиббиёт кластери ташкил этилади. Бундан ташқари, чекка-чекка ҳудудларимиздаги қишлоқ врачлик пунктларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

**Аваз ХУДОЙҚУЛОВ**
**суҳбатлашди**





# ВАТАН БУ – ОНА МЕРОС, АСКАРЛИК МАРДЛАРГА ХОС!

Бошланиши 1-бетда



Тадбирда мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган 14 нафар азамат йигитлар оналари билан кўришишди. Бундай дийдор лаҳзалари ҳар қандай кишини тўлқинлантиради. Аскар оналари ва йигитларнинг бағишларида меҳр, эҳтиром, ғурур зоҳир...

– Фарзандим Зокир Ҳусанбоев оиламизда ёлғиз ўғил, – дейди Янгийўл шаҳрилик Наргиза Каримова. – Бугунги байрам тадбирига бошқалар қатори аскар ўғлимнинг ҳам таклиф этилгани мен учун кутилмаган совға бўлди. Болагинам анча улғайибди, савлатида, бағишларида ўктамлик бор. Шундай ўғлим борлигидан ғурурланиб кетдим.

Тадбирнинг бадиий қисмида Ўзбекистон халқ артисти Муқаддас Холиқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хосият Ҳусанова ўз чиқишлари билан онажонларни хурсанд қилишди. Шунингдек, ҳарбий оркестр, эл ардоғидаги санъаткорлар ижросидаги Ватанни, садоқат ва мардликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар барчага байрамона кайфият улашди.

**Аллома АЗИЗОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар*

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАНИНГ ИЛК ИНШООТИ

Бошланиши 1-бетда

Қалмоққир кон бошқармаси ишчи-ходимлари томонидан биринчи босқич, яъни трассани тайёрлаш ишлари 2018 йил бошида жадал суръатларда бошланиб, 2019 йилнинг июнь ойида ўз ниҳоясига етказилди.

Темир йўлларни ётқазиш ишлари эса комбинатнинг Саноат темир йўл транспорти бошқармаси ишчи-ходимлари томонидан қисқа фурсатда якунланди. Электр таъминоти ишлари СТТБ ва "Олмалиқметаллургқурилиш" тресги ишчи-ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилди. Иншоот режага кўра, жорий йилнинг март ойида ишга тушиши керак эди. Аммо, масъуллар ва ишчиларнинг саъй-ҳаракати билан муддатидан олдин фойдаланишга топширилди.

Лойиҳа доирасида 1 та Тепловоз ҳамда 26 та Думпкар техникалари харид қилинди.

– Қурилиш жараёнида 7,9 км. темир йўллар ётқизилиб, 9 та комплект йўл ўтказгичи қўйилди, – дейди Саноат темир йўл транспорти бошқармаси бошлиғи Бунёд Қурбонов. – Бундан ташқари, сигнализация, марказлаштириш блокировка ва алоқа линиялари бўйлаб жами 45,35 км.дан зиёд кабель тортилиб, мазкур йўналишда жами 34 097 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Иншоотнинг ишга тушиши натижада электр энергияси тежалади ва иш унумдорлиги ошади. Хусусан, Қалмоққир кон бошқармасидан рудаларни ташиш 30 млн. тонна ўрнига йилига 35 млн. тоннага етказилиши режалаштирилган.

Тадбир якунида бир гуруҳ ишчилар комбинат раҳбарияти ва касаба уюшмасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**





# ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Президентимизнинг 2019 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши ҳамда Тошкент ҳарбий округи фахрийлар кенгаши билан ҳамкорликда "Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!" номли маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

## Ибрат

Давлатимиз раҳбари: "Ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади" деб алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантиришда Қуролли Кучларимиз фахрийларининг ўрни катта.

Мазкур маънавий-маърифий тадбирга ҳам армиямиз фахрийлари, истеъфодаги полковниклар ҳамда Чирчиқ давлат педагогика институтининг бир гуруҳ талабалари таклиф этилди. Бунинг рамзий маъноси ҳам бор, албатта. "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши институт билан ўзаро ҳамкорлик Меморандумини имзолаган.

Самимий ва қизиқарли руҳда ўтган тадбирда фахрийлар ўзларининг аскарлик даврлари, ҳарбий тажрибалари, хизматни ўташ вақтида рўй берган қизиқ воқеалар ҳақида сўзлаб бердилар. Ёшлар ҳам суҳбатга қизиқиб кетиб турли саволлар беришди.

Тадбир сўнгида талабалар томонидан Ватан ва мардликни мадҳ этувчи шеърлар, куй ва қўшиқлар ижро этилди.

**Музаффар ХАДЖИЕВ,**
**Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши раиси ўринбосари**

## Қутлуғ саналар

Мен сарлавҳадаги жумлани ҳалигача этим жунжикиб эслайман. Бир пайтлар Ойбек ижодига ошиқ эдим. Чиноздаги "Сўз" тўгараги билан, мактаб даврида Ойбек уй-музейига боргач бошланган бу қизиқиш. Ўша пайтлар ҳазратим Ойбекнинг бутун асарларини, у ҳақидаги мақолаю хотираларни битта қолдирмай ўқигандим.



# «ЗАРИФА, ЎЛЯПМАН, РОЗИ БЎЛ...»

Рафиқаси, биринчи ўзбек аёл кимёгари, рассом ва шоира Зарифа Саидносированинг "Ойбегим менинг" асарига шу қадар кириб кетганманки, Ойбек ва унинг оиласи ўз оиламдан ҳам яқин бўлиб кетган. Тўрт қайта ўқиган ягона китобим шу бўлса керак.

Ойбек асарларидаги сирли самимият, темир оҳанг одамда қандайдир қўмсаш туйғусини уйғотади. Қўмсаш бу исёндир: кечаги кун хушбахтлигига, бугуннинг оғирлигию эртанинг мавҳумлигига қаратилган исён. Шул важдан Ойбек асарларини исёнкор деб аташ мумкин, менимча.

Ойбекка ҳеч қачон буюк ёзувчи сифатида қаролмасам керак, негаки, сиз яқинингизга ҳеч қачон буюк шахс деб қарамайсиз. У сиз учун шунчаки азиз бир инсон, холос. Аммо, ўша азизлик буюкликдан анча устун туради. Буюклик мезонлари даврий қарашларга мос равишда ўзгариши мумкин, аммо қондошу жондошлик ҳеч қачон ўзгармайди.

Ҳамон Ойбек ва унинг даври одамлари, давр руҳининг увайс соғинчи билан яшаяпман.

Сизни яхши кўраман, Ойбек. Туғилган кунингиз бизга муборак!

**Мирзоҳид АБДУЛЛАЕВ**

*Хусусий эълон*

Раджабова Матлюба Сахибназаровна номига берилган Бекобод шаҳри, 14-даҳа, 42-уй, 1-хонадонга тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## Талаба кундалигидан

Баҳслар доим ҳам қизғин тус олавермайди. Баъзан улар нафислашмоғи ва баъзан буткул мавзудан четга чиқиб, бошқа бир масалага уланиб кетмоғи, ҳатто, четга чиқиш асносида ўша елимлаб ёпиштирилган фикрлар таъсири ўлароқ буткул янги ғоялар ўртага чиқмоғи мумкин.

Айтганча, четга чиқмоқ. Ҳеч эътибор берганмисиз, нега айрим ёшлар четга кетиш хаёли билан яшайди? Эҳтимол, бунинг асосий сабаби ақлимизни таниган заҳоти юзлашадиганимиз – таълим тизимидир? Келинг, шу таълим тизими ҳақида бир оз баҳс юритайлик. Зора, "ўтлаб кетиш" асносида бошқа муаммоларгада ойдинлик киритилса.

# ҚАНОТСИЗ ҚУШЛАРНИНГ ПАРВОЗИ



Бошланғич синфлар – тафаккурнинг симметрик ривожланиш даври. Бунда болаларга тушунчаларни сингдириш ҳам осон, ҳам қийин. Бинобарин, ҳар ким ҳам соз лойдан кўза ясайвермайди.

***<u>Бизда бола психологияси билан ишлаш атамаси доим чиройли эшитилгани учунгина қўлланиб келингандек туюлаверади.</u>*** Хусусан, ҳали ҳеч бир ўқитувчининг болаларни руҳий ҳолатига қараб гуруҳларга бўлганини ё буткул янгича метод билан чиққанини эслолмаймиз. Биз доим янгича метод талаб қилганимизда ўқитувчилар бир оғир сўлиш олиб: "Нима қилайлик, бизга берилган дастур шу", деб қўйишар ва бу нолиш замирида залворли эринчоқлик ларзон уриб, ўзини фош қилиб қўяверарди...

Бошланғич синфдан сўнг, биз – руҳан мажруҳ болалар катта синфга қадам қўямиз. Ҳа, айнан мажруҳ, негаки ҳеч ким бизнинг шахсиятимиз билан қизиқмаган, табиатимиз қайсидир совуқ идораларда ясалган қолипларга мажбурлаб солиб қўйилган... Қисқаси, энди биз тарих фанидан жисмоний тарбия ўқитувчиси дарс ўтиши мумкин бўлган мўъжизавий даврга ўтдик.

Балоғат, ўтиш даври деган жумлаларни ўқигандим қайсидир ўзбекча ёзилмаган китобларда. Синфга бирда-бир кириб турувчи психолог деб аталгувчи опанинг асли ҳуқуқшунос эканлигини кейин билдик. Саккизинчи синф пайтим Зигмунд Фрейд, Карл Юнг, Эрик Берн каби буюк руҳунат муҳандислари билан танишгандим китоблар орқали. Фрейднинг ёзишича, бола ўн беш ёшга тўлганида унинг жинсий майллари қайта шаклланиш жараёнига кираркан. Бунда жинсий тарбиянинг ўрни эса жуда катта.

Ай, бизнинг коллежлар... Эсласам, кулгим қистайди. Бу кулги аввал қорин соҳасида уйғонади, сўнг кўксимга яқинлашиб бўғзимга чирмашади. Фақат, бўғзимдаги кулгунинг хўрликдек аччиқ тус олганини сезиб қоламан баъзан. Курсдошларим ўқитувчиларни аёвсиз калака қилар, онам тенги аёллар боласи тенги ўқувчилар олдида изза бўлаверарди. Бу, қай бир шоир таъкидлаганидек, мен учун қора тушдек гап эди. Ҳар ҳолда бобом, аммаларим ўқитувчи, каминанинг қулоғига эса сен профессор бўлишинг керак, деб тинмай қуйилар ва ТАЪЛИМ оиламизнинг энг муқаддас тамойилларидан бири эди. Аммо, ўқитувчиларда тизимдан, қолипдан бир қадам чиқиш бу жиноят деган тушунча қотиб қолганлигини тушуниб, аталар ўз маъносини ўзгартирди, муқаддас тушунчалар заволга юз тутди. Компьютер броузеридаги мен кирган чет эл сайтларини кўрган баъзи ўқитувчилар менга қаттиқ дакки берар ва фақирингизни директор ва икки-уч илғор фикрли мутасаддилар ўз ҳимоясига оларди, холос. Буни қора туш кун келиб тарқаб кетишига ишора дейиш мумкинмикан?

Институт! Менинг тизимдан аллақачон кўнглим қолгани сабабми билмадим, ***<u>олийгоҳдаги номи улуғ, супраси қуруқларга қараб жилмайиб қўяман, холос: ачинаман уларга...</u>***

Қадимги Рим архитектурасидан то бугунгача ўзини бутун сақлаб келаётган мозаика аталмиш безак услуби бор. Бизнинг таълим тизими майда муаммолардан тузилган мозаикага ўхшайди. Баъзан деворга ишланган мозаикага маҳлиё бўлиб, ушбу девор асли қайси бинога тегишли эканини унутиб қўйганингиздек, таълимдаги муаммоларга андармон бўлиб, таълим аслида нима учун хизмат қилишини эсингиздан чиқариб қўясиз...

Хўш, таълим нима ўзи? Унга эҳтиёж қай даражада? Хусусан, бизнинг кундан кунга ўзгаришлар силсиласи ичра чир айланиб турган жамиятимизда таълимнинг ҳурмати қандай? ***<u>Диплом олсам бўлди, қолгани бир гап бўлар шиори кучлими ё мамлакатимга керакли одам бўламан, деган хитобларми?</u>*** Давлат таълим тизимининг замонга жавоб бериш-бермаслиги долзарброқ масалами ё биз каби ҳар нима бўлганда ҳам мутахассислигимга оид бирон китобни ўзбекча ўқимайман, фақат чет тилларидаги адабиётларга таяниб изланаман деб тиришиб ётган, аксар ўқитувчилар наздида "олифталар"нинг тобора урчиб кетаётганими?

Саволларимизга ҳеч ким жавоб беролмайди. Ишонинг, ҳеч ким. Биз ёшлар ўз маърузасини ёддан билмайдиган профессорларнинг аудиторияларида умримизга ачиниб, деразадан кўринган мусаффо осмон узра учиб кетаётган тайёраларга ҳавас ва суқ тўла назар билан тикилиб ўтирарканмиз, қай бир чет мамлакатда бир ўзбек боласи кашфиёт қилаверади.

Таълим – авлодларга ғоянинг сингдирилишида бош омил саналади. Шу ўринда ғоявий фанлар ҳақида ҳам бир оз тўхталиб ўтишни лозим топдик.

***<u>Тасаввур қилинг, умрида интернетга кирмаган, унинг нималигини тўлиқ англаб (билиб эмас) етмаган ўқитувчи болаларга интернетнинг вабо эканлигини уқтираяпти.</u>*** Энсангиз қотдими? Ҳа, бизнинг энсалар ҳам обдон қотарди, мен сизга айтсам. Ҳа, энди бу 2010 йиллардаги гап. Ҳозир ундай эмас. Ўқитувчилар ижтимоий тармоқларда фаол. Улар энди дарсдагина маънавият либосини кийиб турибдилар, холос. Аммо, яхшироқ назар солсангиз, бу либоснинг беўхшов ямоқлари кўзингизга яққол ташланади.

Ғоявий дарслар 5-синфда бошланади. Шу дарсни яхши кўрардим. Чунки, фақат шу дарсдагина биз оппоқ орзуларга кўмила олар, чин дилдан буюк бир ўлкада яшаётганимиздан фахрлана билардик. Дарсдан сўнг эса ҳамма уйига кетар, кимдир ўтин ташигани эшак аравасини тиқирлатиб тутқаторга шошар, кимдир ота-онасига ёрдам бериш учун бозорга югурарди. Шунда ҳам хушбахт эдик. Мусаффо осмон остида елкалари майишиб арава тортаётган дўстларимнинг эртасига оппоқ кўйлакларда дарсга келиши мени ҳайратда қолдирарди. Қорин тўқ, аммо онгимиз аросат ўйларга асир эди.

Бундай дарсларда асосан иллатлар ҳақида кўп сўз боради. Қизиғи, дарсликда нима қилмаслик ёзилар, ким бўлишимиз кераклиги ҳақида муфассал маълумот берилар, аммо китобдан бош кўтариб атрофга қарасак, бутунлай акси – катта синфдаги акалар мактаб ортига ўтиб уришар, қизлар бепарда мавзуларда очиқча гаплашар, ўқитувчилар умумий хонада кесатиқ тўла ғийбатлар билан андармон бўларди. Бу театр эди, гўё. Эҳтимол, шунинг учун кейинчалик драматургияга қизиқиб қолгандирман?

Ғоявий дарсларга реаллик етишмасди. Дейлик, терига татуировка чиздириш оммавий маданиятнинг илк кўринишларидан бири бўлиб, у одамнинг маънавиятсизлигини билдиради, деб ёзилган. Бироқ, муаммо шунда эдики, биз болалар яхши кўрган америкалик Майк Тайсон аталмиш боксчининг шундоқ мушакларида татуировкалар кўрк сочиб турарди. Бизга қай бири кўпроқ таъсир қилиши мумкин? Шахсан менга татуировка чиздирган одам тарбиясиз бўлади, деган қўрқитишдан кўра татуировка урдирган одам кейинчалик ҳеч кимга қон беролмайди, деган огоҳлантириш кучлироқ таъсир қилган бўларди. Яна билмадим, мен педагог бўлмасам...

Маънавият ҳақидаги тушунчалар ҳам доим мавҳум бўлган. Айниқса, мазкур мавҳумлик даражаси сўнгги йиллардаги иқрорлардан кейин мисли кўрилмаган даражада ошиб кетди. Айнан таълим сифати сабаб бугунги кунда кўплаб тенгдошларим оғир руҳий сиқилиш (стресс)га тушиб қолдилар. Биз шуни кутганмидик? Биз шуни истаганмидик? Уйқусиз тунларда хотирамга фойда бўлади деб оч қоринга ичилган қайноқ сувлар, ечилган минглаб тестлар, сифатсиз қоғозга ёзилган майда ҳарфлардаги китобларнинг юзига тўкилган кўз нурлари... Нима бўлади энди? Бу аянчли саволлардан чарчаганлар энди Фейсбукда #суриш_керак хештеги остида изоҳлар қолдиришади, холос. Бу ҳолатни тугатиш учун тушунчалар ўзгариши керак. Таълим мутасаддилари йигирма биринчи асрда яшаётганларини унутмасинлар. Токи, маънавияти бақувват, ўта одобли, аммо, билимсиз кадрлар етишиб чиқмасин.

Қанотларнинг боғланиши уларни ким боғлашига боғлиқ. Биз ёшларда қанот бор ва биз бу гапнинг охирига "эди" қўшимчаси қўшилишини истамаймиз. Бунинг учун диншунослик фани ўқитувчиси талабанинг эътиқоди сабаб дарсдан чиқариб юбормаслиги, ректор ўринбосарлари вақтини дарвоза олдида туриб олиб, талабаларнинг бўйинбоғи ва калта пайпоқ кийган-киймаганини назорат қилишга эмас, балки ўз ҳурматини билган ҳолда хонасида ўтирганча янгича тараққиёт методларини ишлаб чиқишга сарфлаши ва эски, чидаб бўлмас даражада чирик қарашлардан, талабани тўлайдиган контракти эвазига диплом бериладиган махлуқот деб ўйлашдан воз кечиш керак, холос.

Қанотимизни боғламасангиз бас, учишни ўзимиз ҳам ўрганиб олаверамиз. Осмон эса кенг – ҳаммамизни сиғдираверади.

**Мирзоҳид МУЗАФФАР,**
**талаба**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почта: toshkenthaqiqati@umail.uz //// th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Равшан БАЙЖАКОВ

Буюртма Г-143. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 10 435 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

*"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5

Реклама ҳуқуқи асосида

# Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи

# «ВАТАНПАРВАР» ташкилоти Тошкент вилояти кенгаши



аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, ҳарбий хизматчилар ва фахрийларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан табриклайди!

Миллий армиямизнинг жанговар қобилияти ва мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақиятлар тилайди! Ватанимизни ҳимоя қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифани адо этишда барчангизга соғлиқ, омад ва оилавий бахт ҳамроҳ бўлсин!



# Тошкент вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси жамоаси

мард ва жасур ҳарбийлар ҳамда вилоятимиз аҳлини

**14 январь – Ватан ҳимоячилари куни**

ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг

**28 йиллиги** билан самимий қутлайди!

Айни дамларда барчамиз Ватан, халқ ва армиянинг бир-бирига нақадар яқин ва муштарак эканини ҳар қачонгидан ҳам теран ҳис этмоқдамиз.









Барчангизга эл-юртимизнинг юксак меҳри ва ишончи доимо ёр бўлсин!